



Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони


Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида



“Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри” юритилади

Реестрга киритилган шахсларга ҚУЙИДАГИЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ:

- давлат хизматига қабул қилиниши ва давлат мукофотлари билан тақдирланиши
- сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимларга номзодларининг кўрсатилиши
- давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик кенгашлари ҳамда идоралараро коллегиял органларнинг аъзолигига киритилиши



- уларнинг тадбиркорлиги давлат харидларида ва давлат-хусусий шериклик битимида иштирокчи (ижрочи) сифатида қатнашиши;
- давлат улуши 50 фоиздан юқори бўлган ташкилотлар ҳамда давлат таълим муассасаларида раҳбарлик лавозимларида фаолият юритиши.





2022 йил 1 январдан

давлат хизматчилари, давлат улуши 50 фоиздан юқори ташкилотлар, давлат корхоналари ва муассасалари раҳбарлари ва ўринбосарлари, уларнинг турмуш ўртоғи ва вояга етмаган фарзандларининг ДАРОМАДЛАРИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ МАЖБУРИЙ ДЕКЛАРАЦИЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИ жорий этилади



Декларацияни беришдан бош тортиш ва қасддан нотўғри маълумотларни киритиш уни **ДАВЛАТ ХИЗМАТИДАН ЧЕТЛАШТИРИШГА** ва жавобгарликка сабаб бўлади



2022 йил 1 январдан

Давлат хизматчиларига ХОРИЖДА БАНК
ҲИСОБРАҚАМЛАРИНИ ОЧИШ, нақд пул
маблағларини сақлаш ва бошқа мол-мулкка эга
бўлиш тақиқланади




Мансабдорнинг ўз шахсий манфаати мажбуриятларини объектив ва холис бажаришига таъсир кўрсатувчи ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган вазиятлар **МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ** ҳисобланади

Манфаатлар тўқнашувини ошкор қилиш ва олдини олиш бўйича чора кўрмаганлик жавобгарликни келтириб чиқаради

Қуйидагиларни назарда тутувчи қонун лойиҳалари ишлаб чиқилади:

- Жиноят кодексида коррупцияга оид жиноятлар тоифасига кирувчи моддаларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;
- Коррупциявий жиноятларга жазони узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазо чорасигача кескин кучайтириш;
- даромадлар ва мол-мулкни декларациялашда аниқланган ноқонуний бойлик орттирганлик учун жавобгарлик ўрнатиш;
- коррупциявий жиноятлар содир этганларга енгиллаштирувчи нормалар қўлланилишига чекловлар белгилаш;
- “Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш тўғрисида”ги;
- “Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкни декларация қилиш тўғрисида”ги.



**Эътиборингиз
учун раҳмат!**